

TARIX VA JAMIYAT

HISTORY AND SOCIETY
ИСТОРИЯ И ОБЩЕСТВО
общественный электронный
ЖУРНАЛ

—
JOURNAL
2022

№3

Бош муҳаррир:

Пардаев А.Ҳ. ЖДПИ, тарих факультети декани, т.ф.н. доцент.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ақчаев Ф.Ш. ЖДПИ, тарих факультети, т.ф.б.ф.д. (PhD), доцент.

Масъул котиблар:

Саидов Ж.О. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси

Хўжанова М. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси

Таҳририят аъзолари:

1. Сагдуллаев А.С. – тарих фанлари доктори, Академик,
2. Аҳмедшина Ф.А. – тарих фанлари доктори, профессор,
3. Шодмонова С.Б. – тарих фанлари доктори, профессор,
4. Очилова Б.М. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
5. Чориев С. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
6. Туленова Г. Ж. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
7. Пардаев М.Ҳ. – тарих фанлари доктори, доцент,
8. Ғойибов Б.С. – тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
9. Ярмагов Р. – педагогика фанлари доктори (DSc), доцент,
10. Саидқосимов А.И. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент,
11. Амануллаев А. – ф.ф.б. фан доктори (PhD), доцент,
12. Тошбоев Ф.Э. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
13. Миркомиллов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент,
14. Саидов М. – фалсафа фанлари номзоди, доцент,
15. Ғофуров Ж. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
16. Ҳошимхонов М.Х. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент
17. Валиев А.Х. – катта ўқитувчи,
18. Мажидов А.С. – катта ўқитувчи,
19. Каримова Н. – ўқитувчи,

ЭКОЛОГИК ФАОЛИЯТ ТУШУНЧАСИ

Жамшид Сувонқулов – ЖДПИ Тарих факультети
“Фалсафа, тарбия ва ҳуқуқ таълими” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада экологик фаолият тушунчасининг ҳуқуқий асослари таҳлил қилиниб, унга ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга ошираладиган экологик фаолият бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: экологик фаолият, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти, экологик экспертиза, экологик аудит, экологик назорат.

Мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш бўйича мамлакатимизда давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан экологик фаолият амалга оширилмоқда. Чунончи, бу борада “маҳаллалардаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг самарали фаолият юритиши аҳоли кенг қатламларининг ташаббускорлигини оширишга, халқимизнинг улкан ақлий ва маънавий салоҳиятини мумкин қадар кўпроқ жалб этишга имкон беради”. [1]

Шу ўринда, қандай фаолиятни экологик фаолият дейиш мумкин, деган табиий савол туғилади. Атроф табиий муҳит ва унинг объектларини тиклаш, соғломлаштириш, қайта ишлаб чиқариш ва муҳофаза қилишга қаратилган барча фаолият турларини экологик фаолият дейиш мумкин. [2]

Мамлакатимизда юритилаётган оқилona экологик сиёсат давлат ва жамоатчилик томонидан табиатни муҳофаза қилиш ва ундан самарали фойдаланилишини назорат қилиш, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга оид экологик фаолият амалга оширилишини тақозо қилади.

Россия юридик манбаларида экологик фаолият тушунчасига аниқ таъриф берилмаса-да, экологик фаолият экологик назорат, экологик экспертиза ва бошқа шу каби кўринишларда намоён бўлиши ҳақида фикр-мулоҳазалар келтирилган.

Бундан ташқари, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти, экология соҳасида инсоннинг хўжалик фаолияти, лицензиялаш фаолияти, иқтисодий фаолият, экологик аудит фаолияти, экологик экспертиза фаолияти, экологик назорат фаолияти каби тушунчалар акс этган ва экологик фаолият экологик хавфсизликни таъминлаш шакли эканлиги келтирилган. [3]

Мамлакатимизда ҳам экологик фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви

Тарих ва Жамият илмий журнали

тизимини такомиллаштириш ҳақида” ги ПФ-5024-сонли Фармони, 2017 йил 21 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида” ги ПҚ-2915-сонли қарори, 2017 йил 11 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ташкил этиш ҳақида” ги ПФ-5041-сонли Фармони, 2017 йил 11 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш ҳақида” ги ПҚ-2966-сонли қарори [4], 2017 йил 18 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясини ташкил этиш ҳақида” ги ПФ-5018-сонли Фармони, 2017 йил 18 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш ҳақида” ги ПҚ-2899-сонли қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Биохилмаҳиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари ҳақида” ги 370-сон қарори қабила бундай фаолиятни амалга ошириш учун ҳуқуқий асос бўлди.

Бироқ, адабиётларда ва қонунчиликда экологик фаолият тушунчасига аниқ таъриф берилмаса-да, унинг мазмун-моҳияти ёритиб берилади. [5]

Бунда қонунчиликда “экологик фаолият” тушунчасининг мазмуни акс этганлигини куйидагиларда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш ҳақида” ги Қонунининг 29-моддасида экологик назорат вазифаларидан бири сифатида “табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва экологик дастурларнинг бажарилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокини таъминлаш” белгиланган. [6]

Ушбу нормада табиатни муҳофаза қилиш фаолиятида, яъни экологик фаолиятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иштироки кўрсатилган.

Шунингдек, “Экологик назорат ҳақида”ги Қонунининг 3-моддасида “Экологик назоратнинг табиатдан фойдаланишдаги қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, аниқлаш ва чек қўйишга, табиатни муҳофаза қилишга қаратилган давлат ва жамоатчилик чора-тадбирлари тизими” эканлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2015 йил 8 октябрдаги 287-сонли қарори билан тасдиқланган Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги намунавий низомнинг 12-бандида “фуқаролар

Тарих ва Жамият илмий журнали

Ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик экологик назорат соҳасидаги фаолияти тегишли ҳудудда амалга оширилиши” қайд этилган. [7]

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2017 йил 23 ноябрдаги “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларини ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ва фаолияти самарадорлигини янада ошириш тўғрисида” ги 940-сон қарорида, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2018 йил 15 февралдаги “Маҳалла институтининг янада самарали фаолият юритишини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида” ги 177-сон қарорида фуқаролар йиғинларининг ва ундаги жамоат тузилмаларининг экологик фаолияти назарда тутилган. [8]

Мазкур қонунларда ва экология соҳасидаги бошқа нормаларда “табиатни муҳофаза қилиш фаолияти”, “экологик назорат соҳасидаги фаолият”, “хўжалик фаолияти”, “зарарли фаолият”, “ўзга хил фаолият”, “бошқа йўсиндаги фаолият”, “бошқа хил фаолият”, “зарарли объектлар фаолияти” каби тушунчалар ишлатилиб, уларнинг ҳеч қайси бирига таъриф ёки изоҳ берилмаган.

Бизнинг нуқтаи назаримизча, умумий маънода экологик фаолият бу - тегишли маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида ёки унга яқин бўлган ҳудудларда барча экологик – ҳуқуқий муносабат субъектларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг, давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг, нодавлат ноижорат ташкилотларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколат доирасида амалга оширадиган атроф табиий муҳитга бевосита ёхуд билвосита таъсир кўрсатадиган экологик муаммоларни англаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этишга қаратилган табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлаш фаолиятидир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Жалилов Ш. Ўзбекистон Республикасининг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи, - Т.: Voris-nashriyot, 2007,71-б.
2. Nig'matov A. Ekologiya nima?, Т.: Turon-iqbol, 2005. –Б.48.
3. Бу ҳақда батафсил қаранг : М. Бринчук. Экологическое право. Учеб. -М. 2008 г.; С..Боголюбова. Экологическое право. -М.: Издательство, Юрайт, 2011.-482ст., А.К.Голиченков. Экологическое право России: Словарь юридических терминов. Учебное пособие для вузов. - М.: Издательский Дом. “Городец”, 2008., Ст.169.
4. suvonqulov, jamshid. (2020). Ўрмонларни муҳофаза қилиш соҳасида жамоат назоратининг ҳуқуқий асослари . Архив Научных Публикаций JSPI, 1(49). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5174

Тарих ва Жамият илмий журнали

5. suvonqulov, jamshid. (2020). Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари экологик ваколатларининг ҳуқуқий асослари тушунчаси, таркиби ва муаммолари. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(49). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5176
6. suvonqulov, jamshid. (2020). Жамоат экологик экспертизаси : фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларини такомиллаштириш. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(49). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5177
7. suvonqulov, jamshid. (2020). “Экологик назоратни амалга оширишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг иштироки”. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(49). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5180
8. suvonqulov, jamshid. (2020). Экологик мониторингда ўзини ўзи бошқариш органларининг иштироки. Архив Научных Публикаций JSPI, 1(49). извлечено от https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5179